

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ.
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ .

“Бошланғич таълим педагогикаси ва тарбиявий ишлар методикаси”
кафедраси

Курс иши

**Мавзу: Ўқувчиларга билим бериш жараёнида ноанъанавий дарсларни
ташкил этиш.**

Бажарувчи: Қодирова Ф.А
Илмий раҳбар: Ширинов М.К

Тошкент 2010

РЕЖА.

Кириш.

Асосий қисм.

1.Ноанъанавий ўқитиш усулларида фойдаланишнинг педагогик моҳияти.

2.Бошланғич синфларда ноанъанавий ўқитиш методларини қўллаш жараёни тадқиқот предмети сифатида.

3. Бошланғич синфларда таълимни самарадорлигини ошириш таълим технологияси субъекти сифатида.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги суверенитетини қўлга киритилганидан сўнг, ўзбек халқи, унинг маънавий маданияти мислсиз гуллаб-яшнаш имкониятларига эга бўлди. Миллий уйғониш, асл миллий анъаналар ва маънавий қадриятларнинг тиклашга қаратилган давлат сиёсатининг олиб борилиши, ўзбек халқининг маънавий қуллик тузоқларидан озод бўлишига, унинг маънавий ижодкорлик қувватларининг барқ уриб ривожланишига, дунё ҳамжамияти маънавий маданияти тараққиётида ўзига хос ва муносиб ўрин эгаллашига олиб келмоқда. «Ўзбекистоннинг миллий-маданий миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва маънавий жиҳатдан қайта уйғониши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, – деб ёзади Президент И.А. Каримов, - жамиятни янгилаш, унинг очиклигининг қудратли омили бўлиб хизмат қилади, ҳамда республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт – шароитлар яратади»¹.

Мустақиллик йилларида илдам қадамлар билан маънавий ҳаётимизга кириб келиб, онгимизда ўрнашаётган икки сўз – бу «мерос» ва «қадрият» дир. Истиқлол йилларида бу икки тушунча жамият ҳаётига кириб кела бошлаши билан уларни илмий тадқиқ қилиш, жамиятдаги ўрнини белгилаб беришга бир қанча уринишлар бўлди. Мавзуга оид бир қанча тадқиқотлар, монографиялар, ўқув қўлланмалари ва республикаимиз илмий журналларида куплаб мақолалар чоп этилмоқда. Президент И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислохотнинг чегараси йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра мустақил равишда ўзгариб-янгилашиб бораверади».²

Сўнгги йиллар орасида ёш авлодга таълим-тарбия бериш, касбга ўргатиш, ақлий ва маънавий камол топишларини ташкил этишда жиддий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992, 16 б.

² Каримов И. А. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т. Ўзбекистон, 1998 й. –62 б.

ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса бошланқич синфларда таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари янгиланди. «Таълим тўғрисида» қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг мазмуни қайта ишлаб чиқилди. Таълим мазмунининг ўзгариши таълим жараёни таркибий қисмларини янгича тартибда намоён бўлишини тақоза этади. Анъанавий таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос ҳолда янги тамойилларга амал қилиш, таълим методларининг пайдо бўлиши, таълим воситаларининг такомиллашуви, айниқса таълимни ташкил этишнинг ноанъанавий шакллари кенг кўламда жорий этилиши кузатилмоқда.

Мазкур ўзгаришларнинг бир қисми мавжуд дидактик тамойилларнинг таркибидан ўсиб чиққан бўлса, яна бир қисми дунёдаги таълим тизими ривожланган мамлакатлар олимларининг педагогик тажрибаларига суянган ҳолда пайдо бўлади. Шу ўринда илғор интерфаол методларнинг мамлакатимиз таълим соҳасига кириб келиши алоҳида эътибор қаратадиган йўналишлардан бири эканлигини қайд этиш зарур.

Илғор ноанъанавий методларининг тарафдорлари, тарғиботчилари, назарийчилари билан бир қаторда амалиётчилари ҳам шаклланиб улгурдилар.

Олимларидан Н.Сайидахмедов, Ж. Йўлдошов, М. Очилов, Е. ғозиев, Б.Л.Фарберман, Н. Авлиёкулов, Н. Азизхўжаева, С.Оғаев, Н.Ғуломоава, Т.Саидов, М.Х.Усмонбоева, Ў. Толипов, У. Нишоналиев, ва бошқалар замонавий интерфаол дарслар методлар хақидаги илмий назарий ва амалий методик қарашлари, тажриба ва изланишлари самараси бўлган тадқиқотлари муҳим омил бўлди

Айниқса М.Очилов, Н.Сайидахмедов, Ж.Йўлдошев, Б.Л. Фарберман кабилар чет элларда кенг тарқалган илғор интерфаол методларни ўрганиш ва тарғиб этишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Мамлакатимизнинг турли илмий марказларида ўзига хос тажриба мактаблари пайдо бўлди.

Халқаро ва Республикада илмий–амалий анжуманлар ўтказилмоқда. Бу жараёнда амал қилинадиган тамойиллар белгиланади фаолият юритишнинг усулари, воситалари ҳамда шакллари йўлга қўйилди.

Таълим жараёнининг бош объекти ва субъект сифатида ўқувчи белгиланди. Унинг эҳтиёжи, қобилияти, қизиқиш ва имкониятлар, тайёргарлик даражаси ва таълим сўнггида эришиладиган натижаси аниқланади.

Ҳақиқатдан ҳам давлатимиз мустақиллик шароитида таълим соҳасида, жумладан, мактабларда ўқитишни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш ҳозирги жамият тараққиёти талабидан келиб чиқмоқда.

Таълимни ташкил этишда янги технологияларни қўллаш ҳамда йўл ва усуллари ҳақида В.П.Беспалько, М.Кларин, М.Т.Громова, Тализиналар томонидан фикрлар билдирилган.

Бу борада таълим тизимида ўқув жараёнига интерфаол методларнинг умумий асослари тадқиқ этилган. Педагогик олимлар Ў.Толипов, Ш.Абдуллаева, О.Ҳайдарова, кабиларнинг тадқиқот ишлари шулар жумласидандир.

Ушбу муамога оид қайд этилган тадқиқотларда айнан мактаб ўқувчиларнинг ёш хусусиятига хос бўлган таълимни мақсадли замонавий технологиялар асосида ташкил этиш масаласи алоҳида тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилмаган. Таълим жараёни кўп босқичли яхлит тизимга эга бўлиб, унинг ҳар бир босқичи таълим олувчиларнинг ёш ҳамда ўзига хос хусусияти, таълим-тарбия жараёнидаги интеллектуал қобилиятига ҳамда таълимни изчил, тизимли ва узвий амалга оширилишига боғлиқдир.

Бошланғич-синфларда таълимни интерфаол методлар асосида ташкил этишда ўқувчи таълим жараёнининг бош объекти ва субъект сифатида эканлигини кўплаб олимлар эътироф этган бўлсада алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Унинг эҳтиёжи, қобилияти, қизиқиш ва

имкониятлари, тайёргарлик даражаси ва таълим сўнгида эришиладиган натижаси ўз тақомилига эга эмас.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқот мавзусини ” Ўқувчиларга билим бериш жараёнида ноанъанавий дарсларни ташкил этиш.” деб белгиланди.

Курс ишининг мақсади: Таълим жараёнида ноанъанавий ўқитиш усуллари нингнинг тутган ўрни мазмунини ва технологиясини ўрганиш.

Курс ишининг объекти: Таълим жараёнида ноанъанавий ўқитиш усуллари нингнинг тутган ўрни технологияси дидактик имкониятларини асослаш жараёни.

Курс ишининг предмети: бошланғич синфларда ноанъанавий ўқитиш усуллари дан фойдаланиш технологияси дидактик имкониятларини асослаш жараёнинг мазмуни.

Курс ишининг вазифалари:

1. Таълим жараёнида ноанъанавий ўқитиш усуллари нингнинг тутган ўрни дидактик имкониятларини мавжуд ҳолатини ўрганиш.

2. Бошланғич синфларда ноанъанавий ўқитиш усуллари дан фойдаланиш технологияси дидактик имкониятларини ташкил этишнинг объектив ва субъектив омилларини аниқлаш.

3. Бошланғич синфларда ноанъанавий ўқитиш усуллари дан фойдаланиш технологияси дидактик имкониятларини ташкил этишга хизмат қилувчи шакл, метод ва воситаларни белгилаш.

Курс ишимиз ўз туркумига кўра қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: Кириш, Асосий қисм, хулоса ва фойдалинилган адабиётлар рўйхати. иборат.

Асосий қисм.

1.Ноанъанавий ўқитиш усулларида фойдаланишнинг педагогик моҳияти.

Ноанъанавий ўқитиш усулларида фойдаланишдан мақсад нима унинг афзалликлари дарснинг самарадорлигини ошириш тамойиллари нимадан иборат деган саволга қуйидагича ҳосилалар асосида жавоб бериш мумкин.

1. Ноанъанавий ўқитиш энг содда қулай усул.
2. Мустақил фикрлашни қргатади.
3. Кўп тармокли.
4. Содда ва осон.
5. Билим бойлигини оширади.
6. Вақтдан ютади.
7. Қизиқарли ўтади.
8. Дарснинг самарадорлигини оширади.
9. Дунёқарашни кенгайтиради.
10. Тафаккурни ривожлантиради.
11. Ўқувчиларининг диққат эътиборини тортади.
12. Ҳар бир ўқувчи билан индивидуал муносабатда бўлади.
13. Хотирани кчайтиради.

Изланишга чорлайди.

14. Ўқувчиларни ўз устида ишлашга чорлайди.

Ўқитишдан кўзланадиган мақсад бу давлат таълим стандартларида белгиланган билим ва кўникмаларини ўқувчига етказишдан иборат. қачонки ўқувчи томонидан билим қабул қилинса ва тушуниб етилса ёки ўқувчи малака ошириш учун мўлжалланган топшириқларни амалда намойиш этиб бера олсагина ўқитиш муваффақиятли кечди деб ҳисобласа бўлади.

Маълумки, таълим олиш (маълумот олиш) жараёни – бу маънавий ва ақлий қобилиятларни тизимли ривожлантириб бориш, билим ва тушунчаларни шакллантириш ва олинган билимдан фойдалана олиш

қобилиятини таркиб топтиришдан иборат жараёндир. Бу жараён таълим олувчининг ўзи орқали ёки бошқа биров таълим берувчининг кўмагида амалга оширилиши мумкин. Таълим олиш жараёни эса турли хил методларга (усулларга) таянган ҳолда кечади.

Метод – грекча « metodos » сўзидан олинган бўлиб, изланиш ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатади.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг касбий малакаларини ошириш, уларни илғор педагогик технологиялар ҳамда замонавий ахборот технологиялари билан қуроллантириш хусусида алоҳида таъкидланган.

Ҳозирги даврда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог кадрлари республикадаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида илғор педагогик технологиялар, шу жумладан, интерфаол методларни қўллаш бўйича ўз малакаларини такомиллаштириб, орттирган янги билим, кўникма ва малакалари асосида таълим жараёнини олиб бормоқдалар. Бундай таълим жараёни таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаши, фаоллик даражасининг ошиши, топшириқларга ижодий ёндашиши орқали юқори самарадорликка эришиш имкониятини бермоқда.

Дарс жараёнида янги билимларни бериш назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида амалга оширилиши лозим. Шундан сўнг баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳалаш, тадқиқот ва бошқа шу каби интерфаол методларни амалга ошириб, таълим олувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида маъруза ўқиладиган вақт тахминан 20 дақиқадан ошмаслиги керак. Чунки ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 20 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси пасая бошлайди. Шу боис таълим олувчиларнинг фаоллиги, қизиқишларини сақлаш ва ошириш мақсадида интерфаол методларни мавзуни такрорлаш ёки мустаҳкамлаш босқичларида қўллаш мақсадга мувофиқ.

Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узок хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Юқоридаги маълумотлардан шундай қоида келиб чиқади:

➤ Ўқув вазиятини тайёрлашда интерфаол методлар ва аудио-визуал воситаларни самарали ишлатиш лозим. Шунда бирданига кўпгина сенсорик каналлар жалб этилади.

➤ Ўқув материали тўғрисида баҳслашишга доим имконият бериш лозим. Давра суҳбатлари, гуруҳий баҳс-мунозаралар тавсия этилади, чунки бу методлар таълим олувчиларни фаолликка жалб қилади.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида анъанавий методлар қўлланилганда, таълим олувчиларнинг маълумотни эслаб қолиш кўрсаткичининг энг юқори даражаси 30%ни ташкил этар экан. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда унга таълим олувчилар фаоллигини оширадиган турли-туман методлар билан бойитиш орқали таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтаришга олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил этилиши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишининг орттирилиши, уларнинг фаоллиги доимо рағбатлантириб турилиши, ўқув материалини кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда турли фаоллаштирувчи методларнинг қўлланилиши ва амалий машқларни мустақил бажаришга йўналтирилиши талаб этилади.

Бу методлар “интерфаол методлар” деб аталади. Интерфаол методлар таълим олувчиларни фаоллаштирувчи, мустақил фикрлашга ундовчи ва таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўладиган методлар тушунилади. Бундай методларни қўллашда, таълим берувчи таълим олувчиларни фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчилар бутун жараён давомида иштирок этади. Интерфаол методларга ақлий ҳужум, кичик

гуруҳларда ишлаш, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, чархпалак, ролли ўйин, ишбилармонлик ўйини ва шу каби бошқа методлар киради.

Интерфаол методлардан фойдаланиш афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши;
- ўз вақтида қайтар алоқанинг таъминланиши;
- мотивациянинг юқори даражада бўлиши;
- ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашиши;
- ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши;
- мустақил фикрлай оладиган таълим олувчининг шаклланишига ёрдам бериши;
- фақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий фикрлашнинг ҳам ривожланиши.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади билимни ва уни амалда қўллай олиш кўникмалари ва малакаларини ҳамда зарурий шахс сифатларини шакллантиришдан иборат. Ўқув фаолияти ҳаракатида мақсаднинг барча компонентлари амалга ошар экан, турли методларни биргаликда қўллаш зарур. Шунинг учун метод танлашда энг асосий омил бўлиб, ўқув машғулотининг дидактик вазифаси хизмат қилади.

Бугунги педагогика анъанавий йўсиндагисидан педагогикадан миллий демократик характердаги, яъни муайян технологик жараёнда ижтимоий муносабатлар, туйғу ва руҳий кечинмалар педагогикасига айланиб бораётганлигига асосий эътиборни қаратиш лозим.

Педагогик тадқиқотларда бугунги кунда шахс ва унинг тақдирига муносабат масаласи туради. Шунга кўра оқибатни сабабга зид қўймаслик лозим. Таълим ва тарбияда оқибатга бўлган сабаб ўзининг тўғри ва ижобий йўналишини олса, оқибат самарали бўлади.

Сабаб ва оқибат категорияси сифат ва миқдор кўрсаткичларига эга бўлади. Ҳар қандай фанда динамик ҳолат ўрганилиб борилиши янги маълумотларни киритишга олиб келади. Бу жараён муайян илмий концепцияларнинг шаклланишига асос бўлади.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Республика Президенти таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади». Юртбошимиз томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди». Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш лозим. Республикаимизнинг педагогика соҳасида фаолият юритаётган олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни татбиқ этишга интиломоқдалар. Ўқув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг зарурлиги шундаки:

Биринчидан, жамиятимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши ҳамда аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида.

Иккинчидан, ўқитувчи фаолиятига фақатгина ўқув жараёнининг ташкилотчиси эмас, балки нуфузли билимлар манбаи сифатида қаралаётганлиги.

Учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг жадал кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга етказиш учун вақтнинг чегараланганлиги.

Тўртинчидан, кишилиқ жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги.

Бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилаётганлиги.

Педагогик технологиялар оқими деярли барча ривожланган мамлакатларда тез тарқалди ва ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда муваффақиятли ўзлаштирилмоқда. Таълимни технологиялаштиришнинг асосини таълим жараёни ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда таълим оловчиларнинг берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этилди.

Таълим технологиясининг предмети таълим тизимининг концептуал асосларига далил келтиришдан, мақсадларини қўйишдан, натижаларни шакллантиришдан, ўқув материалларини танлаш ва структуралаштиришдан, таълим модулини танлашдан уларнинг оптималлик ва самарадорлик даражасини баҳолашгача бўлган тизимни лойиҳалаштиришдан таркиб топган.

Педагогик технология педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил оловчиларга муайян шароитларда кўрсатилган тизимли таъсир натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган

ижтимоий сифатларнинг пайдо бўлишини интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин.

Таълим технологияси таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир.

Таълим жараёни таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги маълум мақсадлар асосида белгиланган билим ва кўникмаларни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро таъсирлашув жараёнидир. Бу жараённи бир тизим деб қарайдиган бўлсак, таълим берувчи ва таълим олувчидан ташқари унга қуйидаги ташкил этувчи элементларни ҳам киритиш мумкин: таълим мақсади, кутилаётган натижалар, таълим мазмуни, таълим методи, таълим шакли, таълим воситалари, мониторинг ва баҳолаш. Таълим жараёнини ташкил этишда юқорида санаб ўтилган элементларнинг барчаси муҳимдир. Улардан бирортаси четда қолса ёки нотўғри танланган бўлса, тизим ишламайди. Демак, таълим жараёни олдида қўйилган мақсадга эришилмайди.

Таълим мақсадларини бошқача тарзда ўқув мақсадлари, деб ҳам аташади. Ўқув мақсадлари таълим жараёни охирида кутилаётган натижанинг ёзма тавсифидан иборат. Маълумки, жонли таълим жараёнида икки томон: таълим олувчи ва таълим берувчи иштирок этади. Ўқув мақсадлари таълим жараёни иштирокчиларнинг қайси бир томонидан қаралишига қараб ўрганиш ва ўргатиш мақсадларга ажратилади. Таълим жараёни натижасида, таълим берувчи, яъни ўрганувчининг нимага эришгани муҳим бўлгани учун келгусида ўқув мақсадлари деганда, ўрганиш мақсадларини тушунамиз.

Бошқача қилиб айтганда, ўқув мақсадлари олдиндан кўзланган якуний натижалар тавсифидир. Уни тўғри танлаш таълим жараёни учун ўта муҳимдир.

Ўқув мақсадлари муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган, хатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва хулқни ифодалайди.

Демак, таълим жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилиши таълим самарадорлигини таъминловчи, таълим олувчиларнинг фаолликларини оширувчи омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, бугунги ахборотлашган жамият давр билан ҳамнафас тарзда таълимни технологиялаштирилган кўринишларда ташкил этишни тақозо этади.

Педагогик технологиялар Ўзбекистонда 1990 йилларга келиб тилга олина бошланган эди. Унинг илмий-назарий асосларини ўрганиш ва педагогик амалиётга татбиқ этишга Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши кенг йўл очиб берди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да асосий вазифалардан бири сифатида таълим тизимида илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш эканлиги қайд этилган.

Педагогик технологияларни амалда жорий этиш учун таълимнинг энг замонавий воситалари, жиҳозлар, ўқув ва илмий лабораториялар, керакли адабиётлар билан таъминланган ўқув заллари ва кутубхона янги тартибда иш юритиши талаб этилади.

Педагогик технологияларни амалда қўллаш учун методик таъминот янгиланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш мақсадида ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ўқув-услубий мажмуанинг такомиллаштирилган варианты ишлаб чиқилмоқда.

Мажмуаларни тайёрлашда қуйидаги ҳолатлар алоҳида эътиборга олинди:

- фан бўйича давлат таълим стандартлари ва намунавий ўқув дастурига тўла мос бўлиши;

- илмийлик тамойилига амал қилиниши ва методологик жиҳатдан тугал бўлиши;
- ҳаётий мисоллар, жадвал ва кўргазмали тасвирларнинг фан ва мавзунинг мазмунини айнан акс эттириши;
- методик жиҳатдан мукамаллиги ва қулайлиги;
- давлат тилида аниқ, лўнда, тушунарли ва саводли ёзилган бўлиши ва бошқалар.

Ўқув-услубий мажмуаларнинг афзаллик томонлари шундаки, уларда талабалар мавзуни мукамал ўзлаштириши ва олган билимларини текшириб кўриши учун зарур бўлган назорат топшириқлари билим эгаллашнинг тўрт даражаси ва идентив ўқув мақсадларига мос ҳолда берилган.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ижодий изланишга йўналтирувчи муаммоли саволлар, мавзу юзасидан бажарилиши мумкин бўлган илмий изланишлар йўналиши кўрсатилган. Лойиҳанинг охирида мавзуни тўла ва атрофлича ўзлаштириш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати берилади.

Ўқув-услубий мажмуалар комплекс лойиҳалаштириш асосида модулларга ажратилиб яратилади. Фаннинг мазмуни ва ҳажмига қараб бир қанча модул тайёрланиши мумкин. Мавзудан кейин ва модулни ўрганиб бўлганларида билим, кўникма ва малакалар текширилиб, рейтинг баллари тўплаб борадилар.

Педагогик технологиялардан дарс жараёнида фойдаланганда таълим методларини танлаш ва самарали қўллаш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги аниқланади. Анъанавий таълим методлари билан бир қаторда педагогикада илмий асосини топган интерфаол таълим методларини қўллаш эҳтиёжи туғилди. Чунки педагогик технологиялар билим олувчиларни таълимнинг асосий иштирокчиси, билим берувчилар (ўқитувчилар) эса ҳамкорлик қилувчи тўғри йўналиш кўрсатувчи

2.Бошланғич синфларда ноанъанавий ўқитиш метоларини қўллаш жараёни тадқиқот предмети сифатида.

Жаҳон таълими тараққиёти тажрибаси шундан далолат берадики, жамият тараққиёти таълимнинг такомиллашиши ва тараққий этиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислохотнинг чегараси йўқ.

Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра мустақил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади».

Таълим тизимини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсон сифатида тарбиялаш учун имкон берувчи мукамал таълим тизимини яратиш, унинг самарадорлигини ошириш каби масалалар «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг бош мақсади ва таълим соҳасидаги ислохотлар асосини ташкил этади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларига мувофиқ Республикамизда баркамол шахс ва малакали кадр тайёрлашга хизмат қиладиган ўзига хос миллий модел яратилди.

Бу моделнинг муваффақияти учун замин яратувчи омиллар сирасида маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган, мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштирган, шунингдек, педагогик маҳоратга эга ўқитувчиларни тайёрлаш алоҳида ўрин тутди. Зеро, ёш авлодни ҳар жиҳатдан камол топтириш, уларда муайян касбий фаолиятни олиб бориш лаёқатини шакллантириш ҳамда уларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларини таъминлаш ўқитувчи ва мураббийларнинг зиммасидаги асосий вазифалардан биридир.

Шахсни тарбиялаш Таълим тугрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури да Республикамиз таълим ходимлари зиммасига ўта маъсулиятли вазифалар юклайди.

Бу вазифани амалга ошириш жараёни ўқувчиларни ўқитишга янгича ёндашиш, ўқитувчиларни ўз касбига ва ўзгаларга яъни таълим олувчиларга

ўта талабчанлик билан мунасабатда бўлишни тақозо этади. Педагогик жараённинг эскириб қолган технологиясини янгисига алмаштириш, замонавий мактабга давр талаблари асосида ёндашиш дарсга эса янгича усулларнинг лойиҳасини татбиқ этиш асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Илмий тадқиқотлар таҳлилларидан маълум бўладики, ҳар қандай таълимни ташкил этиш шахснинг ҳиссиёти, эҳтиёжи, руҳий-ақлий тараққиёти билан ҳамбарчас боғлиқ равишда амалга ошади.

Ноанъанавий таълим технологиясини кўриб чиқамиз.

Ҳамкорликда ўрганиш модели - ўқувчиларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган методлардан иборат.

Фикрни содда тилда баён этиш: Ўз фикрини содда ифодалаш – яхши ўқитувчининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўз фикрини мураккаб тилда ифодалаш - зиёилик ва профессионализм белгиси ҳисобланмайди. Ўз фикрини содда тилда ифодалаш – тингловчибоп гапириш демакдир.

Сода тилда гапиришга қуйидагилар воситасида эришилади:

- Айтилган фикрни кўргазмали қилиб етказиш
- Фикрни қисқа гаплар воситасида ифодалаш
- Оддий сўзларни ишлатиш
- Атамалар маъносини тушунтириб кэтиш
- Чет тили кириб келган сўзларни иложи борида ишлатилмаслик, ишлатилган тақдирда тушунтириш бериш
- Содда тузилишга эга бўлган гапларни ишлатиш
- Актив феълларни ишлатиш.

Фикрларни қисқа ва лўнда ифодалаш. Фикрларни қисқа ва лўнда ифодалаш дэганди, маъруза мазмунининг ортиқча вақт кетмасдан, лўнда, аниқ ва тўғри ифодаланиши тушунилади:

- ◆ бутунлай ўқув мақсадга қаратилган
- ◆ асосий мазмунга қаратилган

- ♦ тўғри (беҳато) ифодалардан иборат
- ♦ муҳим ва керакли изоҳлар билан чекланган

Рағбатлантириш (стимуллар). Рағбатлантириш (стимуллар) деб маъруза таркибидаги шундай қўшимчалар тушуниладики, улар маъруза мазмунини тингловчиларга жонлироқ қилиб беради ва шу орқали уларнинг эътибори ва қизиқишини таъминлайди. Стимуляцияга қуйидагилар ёрдамида эришилади: Маъруза мазмунларини турли қизиқарли фактлар, масалан урф-одат, ҳикоя ёки мисоллар ёрдамида аниқлаштириш

- ♦ Таассуротли гапириш
- ♦ Айтилаётган фикрларни кўргамали тарзда етказиш (визуаллаштириш)
- ♦ қиёсларда рақамлар ва фактларни ишлатиш
- ♦ Тингловчиларбоп қизиқарли ифодаларни танлаш
- ♦ Шахсий фикрни билдириш
- ♦ Тингловчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланиш

Маърузанинг тузилиши (структураси). Маъруза одатда уч қисмдан: кириш, асосий ва якуний қисмдан иборат бўлади.

Кириш қисми:

- қутлаш
- Мавзу
- Мақсад
- Ташкилий саволлар
- Мотивация, қизиқишни ўйғотиш

Асосий қисм:

- Асосий фикр 1
- Асосий фикр 2
- Асосий фикр 3 ва ҳоказо.

Якуний қисм

- Натижа ва хулоса
- Умумлаштириш
- Умумийлаштириш
- Кейинги мавзуга назар ташлаш

Маърузачига қўйилган талаблар

Гавдани тутиш: Тик, тингловчиларга қаратилган, эркин, икки оёққа маҳкам таянган, боши кўтарилган, аммо бурун кўтарилмаган ҳолатда.

қўллар: Бўш ҳолатда, икки ёнда осилиб турган ёки камардан юқорида икки қул бир бирига уланган; камардан юқоридаги ҳаракатлар, тасаввурли (ифодали) ҳатти-ҳаракатлар— гапириш тезлигида эмас балки, сокин, аста-секин ва хотиржам.

Юз: Тингловчиларга қаратилган, хотиржам.

Кўз қарашлари: Ҳадеб бир кишига тикилмасдан, аудиториядаги ҳар бир кишига 3-5 секунд давомида қараш, самимий

Ҳаракатлар: Мақсадга мувофиқ тарзда бир жойдан бошқа жойга ўтиш, «ўтириб-туришлар» эмас, хотиржамлик билан ёрдамчи воситаларни қўлга олиш ва ишлатиш, хотиржам ҳаракатлар, онда-сонда тингловчилар томонига ўтиш.**Овоз:** Танаффуслар билан (айниқса ҳаракатлар пайтида), секин тезликда ва баланд овозда гапириш.

Намойиш қилиш (демонстрация) методининг тавсифи. Ҳар қандай иш ўқувчилар турларига мос ҳолда ва тез ўзлаштириш мумкин бўлган топшириқ сифатида берилиши мақсадга мувофиқ. Агар топшириқ сифатида берилаётган иш кўпроқ қўл меҳнاتини талаб этса, уни ўргатиш ва эгаллаш мумкин бўлган кичик элементларга ажратиш лозим. Айрим ўқувчилар ишни эҳтиёткорлик ва муфассал кўрсатиб беришни талаб қилишлари мумкин.

Ўқувчи дуч келаётган қийинчиликларини топа олиш ва бу қийинчиликларни енгишнинг турлича йўллари топиш орқали ўқувчининг

топшириқни муваффақиятли бажаришига эришиш бу ўқитувчининг санъати ҳисобланади. Ўз навбатида бу санъат ўқувчининг дуч келаётган қийинчиликлари орқали ўрганишни ҳам ўз ичига олади, қайсики, ўқитувчи томонидан намойиш этиш жараёнида тушунишга қийин бўлган нуқталар ўқувчи томонидан топшириқни бажара ололмаслик эҳтимолини келтириб чиқаради.

Бошқа сўз билан айтганда, ўқитувчи ўқувчиларда тўғри таассуротни келтириб чиқариш учун топшириққа мос бўлган сўзларни ва таянч нуқталарни топа олиши керак. Одатда асосий нуқталар сезиш, кўриш ёки эшитиш қобилиятларига алоқадор бўлса уларни сўз билан ифодалаш қийин бўлади. Шу сабабдан намойиш этиш жараёнида таърифлар келтирилганда эҳтиёткор бўлиш зарур.

Намойиш этиш усулини қўллашга доир кўрсатмалар:

Маълум бир топшириқни қандай бажариш кераклигини намойиш этиш санъатига қуйидаги босқичларни амалга оширмасдан туриб эришиш эҳтимолдан йироқ.

- [Намойиш этиш учун ўз материалларингизни тайёрланг.](#)

Сиз учун керак бўлган барча жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бошқа нарсалар аввалдан тайёр ҳолга келтирилиши лозим.

- [Ўқувчиларни намойиш этиш жараёни билан таништиринг.](#)

Ўқувчиларга топшириқ нимадан иборат эканини айтинг ва уларнинг қизиқишларини эътиборга олишга ҳаракат қилинг. Уларни машғулот бошлашга ва тинглашга тайёр эканликларига амин бўлиш мақсадида уларнинг онгларига кириб боришга ҳаракат қилинг. Ўқитувчи учун содда бўлган нарса ўқувчи учун ўта мураккаб бўлиши мумкин.

- [Ўқувчиларни сизнинг намойишингизни осон кўра олишлари учун уларни тўғри жойлаштиринг.](#)

Умуман олганда, ўқувчилар мураббийнинг орқасидан кузатишлари мақсадга мувофиқ, бу ўз навбатида улар топшириқни ўзлари бажараётган вақтларида қандай ҳолатда бўлишларини кузатишга шароит яратади.

- [Топшириқни бажаришни мувофиқ тезликда намойиш этинг.](#)

Ўқувчиларга топшириқ нималардан иборат эканини кўрсатиш мақсадида уни нормал тезликда ўргатишга ҳаракат қилинг. Бу каби намойиш этиш жараёни бир дақиқадан ошмаслиги лозим, агар топшириқ узокроқ чўзиладиган бўлса, уни тўхтатиб ва босқичма-босқич намойиш этиш керак.

- [Топшириқни секинлик билан такроран кўрсатинг ва ҳар бир босқичда нималар содир бўлиши ҳақида аниқ қилиб эҳтиёткорлик билан тасвирлаб беринг. Таянч нуқталарга алоҳида эътибор қаратинг.](#)

Секин бажариш имкони бўлмаган топшириқлар нормал тезликда лекин алоҳида-алоҳида бажарилиши лозим. Бу билан асосий нуқталарга эътибор бериб ўтиш имкони яратилади.

- [Ҳар бир ўқувчини ўқитувчи билан биргаликда ўша топшириқни бажаришга мажбур қилинг.](#)

Ҳар бир ўқувчини топшириқни бажараётганда ўқитувчи ёрдами билан ўзини «иш» жараёнидагидек ҳис қилишларига эришинг. Ҳар қандай саволга жавоб беринг ва ҳар қандай хатони ўша захотиёқ тўғирланг. Ўқувчи эгаллаши қийин бўлган ҳар қандай нуқталарни қайтадан кўрсатиб беринг, бу жараён қачонки ўқувчи уни тўғри бажармагунча давом этади.

- [Ҳар бир ўқувчини топшириқни амалда бажаришига эришинг.](#)

Ҳар бир ўқувчини топшириқни амалда нормал тезликда бажара олгунларига қадар давом эттиришларига эришинг. Шу билан бир қаторда, амалий фаолият давомида ўқувчиларни тўғри усулдан фойдаланаётганларига амин бўлишингиз муҳимдир. Нотўғри услубдан фойдаланиш оқибатида тўғри услубдан фойдаланиш орқали ўрганиш қийинчиликлар билан кечади.

3. Бошланғич синфларда таълимни самарадорлигини ошириш таълим технологияси субъекти сифатида.

Ҳозирги кунда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, касбга ўргатиш, уларнинг ақлий ва маънавий камол топтиришдани иборатдир. «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг мазмуни ва воситаларини янгидан ишлаб чиқишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу омил таълим жараёни таркибий қисмларини янгича тартибда намоён бўлишини талаб этади. Ана шу ташкилий-педагогик жараёнда таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос ҳолда янги тамойилларга амал қилиш, таълим методларининг пайдо бўлиши, таълим воситаларининг такомиллашуви, айниқса таълимни ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг ноанъанавий шакллари кенг кўламда жорий этилиши кузатилмоқда.

«Тўрт поғонали» метод

Тўрт поғонали метод-амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёнининг тўрт поғона доирасида кечадиган методдир.

Бу метод ўқувчиларга бир хилда такрорланадиган кўл кўникмаларини тез ва мукаммал ўрганиб олишларига ёрдам беради. Тўрт поғонали метод қўлланилганда, ўқувчилар иложи борица оддий операциялар билан таништирилади, сўнг уни такрорлайдилар ва то мукаммал ўзлаштирмагунча машқ қиладилар. Ушбу метод қуйидаги босқичлардан иборат:

- тушунтириш;
- нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш;
- кўрсатилган тарзда қайтариш;
- машқ қилиш.

Тўрт поғонали методнинг асосий белгиси-ўқувчиларнинг ҳаракатлари ўқитувчи кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланганлигидадир.

«Тўрт поғонали» методнинг афзалликлари:

- ўқувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришда ёрдам беради;
- вақтдан унумли фойдаланиш имконияти мавжуд;
- оддий иш босқичларини ўзлаштириш даражаси юқори бўлади.

«Тўрт поғонали» методнинг камчиликлари:

- ўқувчиларнинг ҳаракатлари ўқитувчи кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланиб қолади;
- ўқувчилар якка тартибда ўрганишга йўналтириладилар, лекин мустақил фикрлаш имконияти чегараланган бўлади;
- иш босқичларини амалга оширишда ҳеч қандай янгича ёндошувларга йўл қўйилмайди.

Ноанъанавий таълим моделининг методлари

«Давра суҳбати» методи

Давра суҳбати- ўқувчилар ўртасида ва кичик гуруҳларда айлана стол атрофида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

«Давра суҳбати» методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир ўқувчининг бир-бири билан «кўз алоқаси»ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва ўқувчилардан ушбу мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир ўқувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган ўқувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса

ўқувчиларнинг мустақил фикрлашишига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир ўқувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир ўқувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва ёнидаги ўқувчига узатади. Конвертни олган ўқувчи ўз жавобини қоғозга ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги ўқувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

Давра суҳбати методининг афзалликлари:

- ўтилган материални яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча ўқувчилар ўзаро мулоқотда бўладилар;
- ҳар бир ўқувчи ўзининг иштирок этиш масъулиятини ҳис этади;
 - ўз фикрини эркин ифода этиш имконияти мавжуд.

Давра суҳбати методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- ўқитувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- ўқувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

«Ишбоп ўйин» методи

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг ҳуққ-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гурухли характерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади.

Ушбу шахсий вазифа бўйича мақсадга эришиш бутун гуруҳ аъзолари эришган натижаларга боғлиқдир. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларига қараб баҳоланади.

«Ишбоп ўйин» методининг афзалликлари:

- ўқувчиларнинг билимларини ва тажрибаларини ўз қарашлари ва хулқлари орқали ифода этишга ёрдам беради;
- ўқувчининг бошланғич билимлари ва тажрибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади;
- ўқувчилар ўз билимлари доирасидан келиб чиққан ҳолда имкониятларини намойиш этишлари учун шароит яратилади.

«Ишбоп ўйин» методининг камчиликлари:

- ўқитувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- вақт кўп сарфланади;
- танланган мавзу ўқувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади;
- ўқувчининг хис-ҳаяжони тўғри қарор қабул қилишга ҳалақит бериши мумкин.

«Йўналтирувчи матн» методи

Йўналтирувчи матн-ўқувчилар мустақил равишда йўналтирувчи саволлар ёрдамида маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш вазифаларини бажарадиган методдир.

«Йўналтирувчи матн» методи лойиҳалаш методи билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу икки методни бир-биридан қуйидаги нуқтаи назар бўйича фарқлаш мумкин:

- «йўналтирувчи матн» методи ўқувчиларнинг мустақил ўрганишига қаратилган;

- «лойиҳалаш» методи эса ўқувчиларнинг мустақил ўрганишидан ташқари, эътиборни касб ўрганишда керак бўладиган шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган.

«Йўналтирувчи матн» методидан ўқув амалиёт дарсларида фойдаланилади. Ушбу методни ўтказиш босқичлари лойиҳалаш методининг босқичлари билан бир-хилдир. Маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш ва текшириш босқичларида ўқувчи мустақил ишлайдилар. қарор қабул қилиш ва хулоса қилиш босқичларида ўқувчи ва ўқитувчи орасида «қайтар алоқа» ўрнатилиб, биргаликда муҳокама қиладилар. Ўқувчиларга бошланғич босқичларда ўқитувчи томонидан тузилган ёзма ҳужжатлар берилади. Бундай ҳужжатларга техник чизмалар, жадваллар, йўналтирувчи саволлар, тарқатма материаллар, топшириқлар варақаси, баҳолаш варақаси ва бошқалар киради.

«Йўналтирувчи матн» методининг афзалликлари:

- ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларининг шаклланишига олиб келади;
- ўқувчиларнинг мустақил ўрганиш кўникмаларини шакллантиради;
- ўқувчиларда мулоқот қилиш, ўз натижаларини ўзи текшириш кўникмаларини ривожлантиради;
- ўқувчиларда иш-ҳаракатларни режалаштириш, мустақил қарор қабул қилиш каби кўникмаларини ривожлантиради.

«Йўналтирувчи матн» методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб қиладди;
- танланган мавзу ўқувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади;
- ўқитувчидан катта тайёргарлик кўриш талаб этилади.

«Ақлий ҳужум» методи

Мақсад: «Ақлий ҳужум» методи ҳақида ўқитувчиларда билим ва кўникмаларини шакллантириш.

Кутилаётган натижа: «Ақлий ҳужум» методини дарс жараёнида қўллай олади.

Ақлий ҳужум -ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий ҳужум» методи бирор муаммони ечишда ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга ўқувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Ўқувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар.

Ёзма шаклида эса берилган саволга ўқувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий ҳужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий ҳужум методидан фойдаланилганда ўқувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан ўқувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Ўқувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги ўқувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади. «Ақлий ҳужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Ўқувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

1. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарсинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий ҳужум» методининг босқичлари:

1. Ўқувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;

2. Ўқувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;

3. Ўқувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;

4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;

5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

«Ақлий ҳужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

3. Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

«Ақлий ҳужум» методининг афзаллик томонлари:

- натижалар баҳоланмаслиги ўқувчиларни турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;

- ўқувчиларнинг барчаси иштирок этади;

- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;

- ўқувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;

- ўқувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

«Ақлий ҳужум» методининг камчилик томонлари:

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

Ролли ўйин

Ролли ўйин методининг босқичлари:

1. Ўқитувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб ролларни тақсимлайди.
4. Ўқувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа ўқувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида ўқувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган ўқувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

«Ролли ўйин» методида ўқитувчи ўқувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир ўқувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак.

«Ролли ўйин» методининг афзаллик томонлари:

- ўқув жараёнида ўқувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- ўқувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- ўқувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

«Ролли ўйин» методининг камчилик томонлари:

- кўп вақт талаб этилади;

- ўқитувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- ўқувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча ўқувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

Сюжетли-ролли ўйинлар

Ўқувчиларнинг ижодий фикрлаши, мустақил билим эгалаш кўникмаларини ривожлантириш ва ўзларида мужассамлашган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни ўзлаштиришда сюжетли-ролли ўйинлар муҳим роль ўйнайди.

Кўндалик ҳаётдаги ижтимоий муносибатларни, табиат ва табиий ҳодисаларнинг ўртасидаги алоқаларни бадиий кўриниш тарзда ёритиш асосида вужудга келтирилган муоммаларни ҳамкорликда, босқичма-босқич ҳал этиш жараёнида янги билимларни эгаллашга қаратилган дидактик ўйинларни сюжетли-ролли ўйинлар деб аташ лозим. Бундай сюжетли-ролли ўйинлар жамиятдан ёки табиатдан олинади.

Ижодий ўйинлар

Ўқувчиларнинг ижодий изланиши, мустақиллиги, мантикий фикрлашини ривожлантиришда, қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар муҳим роль ўйнайди.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муоммаларни вазиятларни ўқувчилар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини ижодий изланиши ва қўлланиши орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинларни ижодий ўйинлар деб аташ лозим. Мазкур дидактик ўйинли дарсларда ҳамма ўқувчилар ҳамкорликда ишлайдилар, аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаб янги билимларни эгаллайдилар. Бу эса ўқувчиларнинг ўз билимларига, иқтидорига ишонч уйғотади ва ҳар бир ўқувчи сидқидилдан ҳамма жиддий тайёргарлик муваффақият гарови эканлигини англаган ҳолда билим олишга киришади.

Хулоса

Жамиятнинг юқори малакали рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун бошланғич синфларда интерфаол методларни ўқув фаолияти қўллаш муўим муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўқув жараёнини интерфаол методларга асосида ташкил этиш таълимни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишидир. Интерфаол методлар ўқув фаолиятида кўп қиррали объект бўлиб, уни тадқиқ этиш ниҳоятда мураккаб. Бундай тайёргарлик мутахассиснинг умумий ва махсус тайёргарлигининг маълум бир даражасига эришишни, зарур касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришни талаб этади. Бу эса интерфаол методлар асосида ишлашга қизиқадиган, уни амалга оширишга интилувчан, ижодий ишлайдиган шахсни тарбиялашни тақозо этади.

Таълим жараёнини интерфаол методлар асосида ташкил этиш шахсни педагогик фаолиятга эркин киришуви, ўқувчилар билан тез тил топа билиши, изланиши, фаолиятга ижодий ёндашишига ёрдам беради. Курс ишни ёзиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Бошланғич синфларда ноанъанавий ўқитиш усулларида фойдаланиш технологияси мазмуни ишлаб чиқилди ва дидактик имкониятларини мавжуд ҳолатини ўрганилди.
2. Бошланғич синфларда ноанъанавий ўқитиш усулларида фойдаланиш технологияси дидактик имкониятларини ташкил этишнинг объектив ва субъектив омиллари аниқланилди .
3. Бошланғич синфларда ноанъанавий ўқитиш усулларида фойдаланиш технологияси дидактик имкониятларини ташкил этишга хизмат қилувчи м шакл, метод ва воситаларни белгилаб берилди.

Дарсларни ноанъанавий усул яъни интерфаол методларга таяниб биз юқорида тавсия этган иш тизимидан фойдаланса, кутилган самарага эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.:Ўзбекистон. 1995.-269 б.
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.- Т.:Ўзбекистон, 1992.-78б.
- 3.Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.:Шарқ. 1997.- 64 б.
- 4.Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.:Ўзбекистон. 1998.- 480 б.
- 5.Баркамол авлод орзуси ("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар).- Т.:Шарқ. 1998.- 184 б.
- 6.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. ХИИ чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ХИ сессиясида қабул қилинган.- Т.:Ўзбекистон. 1998.-48 б.
- 7.Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.-Т.:2003.- 174 б.
- 8.Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари.- Т.: Фан. 1990.-172 б.
- 9.Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон. 1999. -29 б.
- 10.Йўлдошев Ж.Ғ. таълимимиз истиқлоли йўлида.-Т.:Шарқ,1996.-224 б.
- 11.Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.- Т.:Ўқитувчи. 2004.-104б.
- 12.Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т: Абдулла қодирий номидаги Халқ мероси. 1993.-223б.